

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Абдулахатов Аброр

**“Президент И.Каримов асарларида тарих, тарихий хотира, тарихий
тафаккур масалаларидаги фикрлари”
мавзусидаги**

Мутахассислик: 5А120301 - Ўзбекистон тарихи

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар: Р.Шамсутдинов
Тарих фанлари доктори, профессор

Андижон – 2013 йил

Президент И.Каримов асарларида тарих, тарихий хотира, тарихий тафаккур
масалаларидаги фикрлари

РЕЖА:

КИРИШ

1. Истиқлол йилларида миллий тарихга бўлган муносабатнинг ўзгариши, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзиг ахос йўли.
2. Президент И.А.Каримов асарларида тарих, тарихий хотира, тарихи тафаккур масалаларидаги фикрлари.
3. Тарих фалсафаси тушунчаси ва моҳияти.

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

Мустақиллик йилларида республикамызда туб ислохотларни ўтказиш жараёнида миллий тикланиш, маънавий янгиланиш ва миллий ўзлиқни англаш ва эркин тафаккурга эга бўлган жамият аъзоларини тарбиялаш каби улуғвор ишларда тарих фанинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Президентимиз Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” номли асарида эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб маъшум хатарларни бир неча бор кўргани, уларнинг жаюру жафосини тортгани ҳақида тўхталиб мана бундай деб ёзган эди: "Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеалиқни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ... Тарихий хотира туйғусини тўлақонли равишда тикланган халқ, босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан ҳолис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади. " ¹

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғоялардан, соғлом мафкурудан маҳрум бирор-бир жамиятни узоққа бора олмаслигини кўрсатди. Шу боис мустақиллик туфайли мамлакатимиз ўз олдиға озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни қўйди. Ушбу мақсад ва вазифалар юртбошимиз И.А. Каримов ташаббуси ва раҳнамолиғи остида жадал суратлар билан бажарилмоқда.

Истиқлол йилларида тарихий жараёнларни ўрганишда эскириб қолган, ҳаёт синовидан ўта олмаган методология ўрнини тамоман янгича методология эгаллай бошлади. Ватанимиз тарихини ҳолисона ва ҳаққоний ёритиш борасида ҳам, нисбатан қисқа давр ичида ниҳоятда катта ва кенг қўламдаги илмий тадқиқот ишлари амалға оширилди. Амалға оширилган ушбу ишларда Ўзбекистоннинг яқин даври тарихи, яъни мустабид совет тузуми даври, хусусан Ўзбекистон совет истибдоди давридаги тарихимизнинг аламли ва қайғули саҳифаларидан бири 1937-1938 йиллар “Катта террор” сиёсати тарихини ўрганиш ва уни ҳаққоний тарзда ёритиб бериш асосий ўрин эгаллайди.

Мустабид совет тузуми даврида ушбу қатағончилик сиёсатиға мутлақо махфийлик тамғаси босилиб, сир сақланиб келинган. Яъни мустақилликка эришилгунгача бўлган даврда ушбу сиёсатни ўрганиш ва унинг бутун совет ҳукуматида яшовчи барча миллат вакиллари хусусан ўзбекларнинг ҳам ушбу “Катта террор” сиёсатининг қурбони бўлганлиғи оммадан яшириниб келинган.

Истиқлолнинг озодлик шамоли, маънавий янгиланиш жараёни Ватан тарихшунослиғи соҳасиға ҳам кучли таъсир этди. Президентимиз Ислон Каримовнинг саъй-ҳаракатлари ва раҳнамолиғида мустақиллиғимизнинг илк йилларидан бошлаб Ватанимиз тарихшунослигини тубдан янгилаш ва унинг янги илмий методологиясини яратиш бўйича салмоқли ишлар амалға оширилмоқда. Эндиликда кўҳна ва яқин ўтмиш тарихимиз бўйича бирин кетин янгидан – янги илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

“...халқимиз ўтмиш тарихидаги муҳим муаммолар, ҳатто алоҳида бир даврни ёритиш, талқин этиш, баҳо беришдаги жиддий нуқсон ва сохталаштиришлардан холи бўлмай туриб,

¹ Каримов Ислон. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, Тошкент, “Маънавият”, 2008, 4-5.

Ўзбекистон тарихи фанининг янги тарихий шароитларда ривож топиши, гуллаб яшнаши ҳақида жиддий сўз юритиб бўлмайди”, - деб таъкидлайди профессор Р.Шамсутдинов.*

Бугунги кунда аниқ далилларга асосланган, Ватанимиз ўтмишининг ҳаққоний тарихини яратиш, айниқса, XX асрнинг 20-30 йилларда советларнинг амалга оширган мажбурий коллективлаштириш, “қулоқ” қилиш, қатағон ва сургун сиёсатлари тарихини ўрганиш ва халқимизга етказиш тарихимизнинг ҳали тадқиқ қилиниши керак бўлган саҳифаларидан бири ҳисобланади.

Совет даврида ўзининг бутун бўй-басти билан катта фожеа тусини олган тарихимизнинг аламли ва аччиқ саҳифаларидан бири қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ва шу асосида бадавлат деҳқон хўжаликларини тугатиш, қатағон қилиш, ўзларини эса бутун оила аъзолари билан биргаликда бегона юртларга мажбурий сургун қилиш ва уларнинг фожеали тақдирлари, қисматлидир.

Советларнинг 20-30 йилларда олиб борган коллективлаштириш, қулоқ қилиб сургун этиш сиёсати оқибатида Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси, деҳқонлар оммасининг катта қисми мислсиз азоб уқубутлар гирдобидида қолди, улар фожеали ҳаёт кечиришга маҳкум этилдилар. Мол дунё, бутун борилигидан маҳрум этилиб, қамоққа олинди, сургун этилди, концлагерларда, узоқ юртларда ҳалок бўлди, аёллар, болалар, кексалар йўл, сургун, очарчилик азобларига бардош беролмай ўлиб кетди, кўплаб юртдошлар бегона юртларда қафасиз, жанозасиз, дафн маросимларисиз ер қаъридан абадий жой олди.

* Рустамбек Шамсутдинов –Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор. Республика “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси раҳбари.

Истиклол йилларида миллий тарихга бўлган муносабатнинг ўзгариши, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.

Мустақиллик тиклангач ўзбек халқи тарихи 70 йиллик узулишдан сўнг икинчи бор бозор муносабатлари ва хусусий мулкчиликка асосланган жамият барпо этишга киришди.

1991 йилнинг 31 августи Ўзбекистон тарихида янги давр очилди. Ўзбекистон Республикасининг Олий кенгаши навбатдан ташқари ХИИ чақирик ВИ сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун асосида Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳолати тубдан ўзгарди. Ўз моҳиятига кўра бу ҳажжатга конституциявий қонун мақоми берилди. 17- моддадан иборат ушбу қонун Ўзбекистоннинг асосий белгиларини ифодалаб берди, ҳамда ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий муносабатларнинг натижаси сифатида ҳам аҳамияти бекиёс бўлди.

Давлат мустақиллиги туфайли унинг рамзларини қабул қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Сху мақсад йўлида Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 1991 йил 18 ноябрида ўтган ВИИИ “Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида” қонун қабул қилинди. Давлат байроғини яратиш жараёнида илгари мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган салтанатлардаги яхши анъаналар, улуғ аجدодларимизнинг ҳақида маслақларига мос бўлган, халқимизнинг руҳиятига туғри келувчи миллий ва маънавий жиҳатлар ҳам инобатга олинди. Сху сабабли байроғимиз юртимизнинг ўтмиши, бугунги ва келажакнинг ёрқин рамзий белгисига айланиб қолди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг Х сессиясида “Ўзбекистон республикасининг Давлат герби” тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 10 декабрда бўлган ХИ сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинди».

Халқимизнинг узоқ йиллик тўхтовсиз курашлари натижасида қўлга киритилган мустақиллик катта тарихий воқеа ҳисобланади. Яъни

Биринчидан: Ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлиб, давлат ҳокимиятининг соҳибига айланди.

Иккинчидан: Мустақиллик адолатли, демократик, инсонпарвар жамият куришга имкон яратди.

Учинчидан: Ўзбекитсон халқаро муносабатларнинг субъектига айланди. Жаҳон харитасида ўз ўрнига эга бўлди.

Тўртинчидан: Иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга, бозор иқтисодиётига асосланиб жамият барпо этиш имконияти пайдо бўлди.

Бешинчидан: Мустақиллик халқимизнинг маънавий уйғониши учун кенг имкониятлар яратиб берди.

Республика фуқаролари давлат мустақиллигига эришувни, иқтисодий мустақиллигини, мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамланиши ва жаҳон ҳамжамятидаги обрўсининг ортиб боришини ҳақли равишда И. А. Каримов номи билан боғлиқдир.

Умуман олганда республика халқи ва раҳбариятининг саботли ва қатъиятлилиги, узоқни ко’злаб бориши натижасида давлат мустақиллигига эришувчи тинч, демократик парламент йўли билан ижтимоий ларзаларсиз, қурбонларсиз, вайронагарчиликларсиз амалга ошди. Мустамлака тузум давридаги “ёпик” ягона мафкура, фикрий қарамлик, тафаккур муътелиги, маънавий қашшоқлик ҳолатидан очиқ мафкуралар хилма-хаиллиги, фикр эркинлиги, тафаккур озодлиги ва маънавий уйғонишга ўтилди.

Жаҳон тажрибалари шуни кўрсатамоқдаки, мустақил-ҳуқуқий давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишининг асосий шарти давлат ва жамиятнинг сиёсий қурулиш тизмини белгилайдиган, фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган халқнинг муайян тарихий тажрибаси ва қабул қилинган халқаро меъёрларига жавоб берадиган конституциянинг мавжудлигидадир.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши бозор муносабатларига ўтиш учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратди. Бизнинг диёримизда бозор

муносабатлари янгилик эмас. Минг йиллар давомида аجدодларимиз ҳунармандлар ишлаб чиқарган ажойиб маҳсулотларини, табиий бойликларини дунёнинг тўрт томонига чиқариб савдогарлик қилган, мол алмашган.

Ўзбекистоннинг бой имкониятлари, геосиёсий шароитидан фойдаланиб ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққий йўлимизни белгилаш, дастлабки кунларнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Ўзбекистон танлаган ислоҳот йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантиришга қаратилди.

Бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуришнинг асосий йўналишлари Президент И.Каримов томонидан ишлаб чиқилиб дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг йирик мутахассислари, давлат арбоблари томонидан тан олинди ва ўзининг ҳаётийлигини намоиш этмоқда. Бу тамойилларнинг асосий мазмунини қуйидагилардан иборат:

- иқтисод сиёсатдан устун туриб мафкуравий тазйиқларсиз, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланмоғи керак;

- давлат бош ислоҳотчи ўрнида бўлиб, у ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши ва уларни изчиллик билан амалга ошириши лозим;

- бозор муносабатларига ўтиш қонун устуворлигини талаб қилади. Бутун халқ томонидан қабул қилинган Конституция ва қонунларга амал қилиниши шарт;

- бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ҳимоя қилишнинг кучли ижтимоий сиёсатини ўтказиш;

- ижтимоий ислоҳотларнинг ривожланиб бориши ва йўналишини белгилаб берувчи тамойиллардан бири бозор иқтисодиётига ўтиш эволюсион йўл билан босқичма-босқич амалга оширилиши зарур.

Янги иқтисодий муносабатларга ўтиш тамойиллари асосида ғоят масъулиятли ва мураккаб вазифа - иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Иқтисодий стратегиянинг бошланғич нуқтаси ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб олишдан иборатдир. Бу вазифа марказлаштирилган, маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор муносабатларига, бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтишдан иборатдир.

2. Президент И.А.Каримов асарларида тарих, тарихий хотира, тарихи тафаккур масалаларидаги фикрлари.

Ватанимиз истиқлолга эришгунга қадар сиёсий қатағон совет жамиятининг ажралмас таркибий қисми, йўлдоши бўлиб келди. Бироқ бу фожеа ватанимиз тарихида, айниқса 30-40-йиллардаги тарихимизда мутлақо ёритилмаган эди, бу давр бамисоли устига кафан ташланган, кафанга ўралгандек шолатда, ўрганиш учун ёпиқ мавзу бўлиб қолганди. Юртбошимиз щали мустақилликка эришмасдан аввалроқ Ўзбекистондаги сиёсий қатағон ва унинг қандай кечгани, фожеали оқибатини очиб бериш, бегунош қатағон қурбонларини оқлаш чораларини кўриш ташаббуси билан чиқди. Бу ўринда *Ислом Каримовнинг* мана бу фикрлари диққатга лойиқдир: «...1937-1939 йилларда ички ишлар халқ комиссарлиги идоралари инқилобий қонунчиликни жуда қўпол тарзда буздилар ва оёқ ости қилдилар. Бундай бедодлик кейинги йилларда шам, то 50-йилларга қадар давом этди. Сира айби бўлмаган, шалол одамлар кўплаб қамоққа олинди ва қириб ташланди.

Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқлари бошига оғир кулфатлар солди. 1937-1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «учлик»лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди...

Асосиз қамалиб жиноий жавобгарликка тортилган кишилар орасида партия, совет, хўжалик ходимлари, ҳарбийлар, зиёлилар ва колхозчилар жуда кўп эди.»¹

Ватанимиз тарихни янгича концепция, янгича методология асосида яратиш – истиқлол йилларидаги амалга оширилиши керак бўлган энг устувор вазифалардан бири эди. Ана шу масалага алоҳида эътибор қаратган И.Каримов, жумладан: “Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур”¹, - деб ўқтиради.

Қолаверса, модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур, деган фикрлари ҳар қандай тарихчи, ҳар қандай ёш авлод учун дастуруламал бўлиб қолди.

Россиянинг Тошкентдаги «Независимая газета» мухбирига берилган интервьюларида *«Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашган»*ини алоҳида таъкидлаган ҳолда, ўзбек халқининг асрлар мобайнида шаклланган менталитети ўзгача эканлигига диққат-эътиборини қаратди². Зеро, тарихи минг йииликларга бориб тақаладиган ўзбек халқининг маънавияти юксак, эътиқоди бақувват, буюк инсоний фазилатлари ва ватанпарварлик туйғуларининг чеки, чегараси йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида Ўзбекистон ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб машъум хатарларни неча бор кўргани, уларнинг жабру-жафосини тортганини таъкидлаб қуйидагича фикр билдирган: “Ҳар қайси халқ, миллий кадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган халқ, босиб ўтган йўл ўзининг

¹ // Ўзбекистон овози, 1991 йил 15 сентябрь.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.5-бет.

² Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». «Халқ сўзи», 2005 йил, 19 январь.

барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади.”¹ Президентимиз масаланинг методологик жиҳатларига тўхталиб яна шундай деб ёзган:

“Биз бу масалага ана шундай илмий асосда ёндашиб, қадимий тарихимизни ўрганиш ва баҳо беришда унинг бирор-бир даври ёки жабҳасини эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилдик. Жумладан, мустамлакачилик ва совет давридаги оммавий қатағонлар пайтида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган, истиқлол йўлида жон фидо этган аждодларимизнинг ҳурмати ва хотирасини жойига қўйиш, уларнинг эл-юрт озодлиги йўлидаги ишлари, қолдирган меросини излаш ва ўрганишни айнан ана шундай маънавий негизда йўлга қўйганимизни қайд этиш зарур.”²

И.А.Каримов эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини таъкидлайди.

“Бу ишлар халқимиз, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг онгу шуурида тарихий адолатга ишонч ва инсонийлик фазилатларини қарор топтириш, уларнинг маънавий оламини кенгайтиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга экани билан айниқса эътиборлидир.”³

Президентимиз Ислом Каримов 2008 йил 31 августида Қатағон қурбонлари хотираси музейида сўзлаган нутқида шундай деди: “Мустабид тузум қатағони қурбони бўлган минглаб ватандошларимизнинг аянчли қисмати, миллатимиз зиёлиларининг бошига тушган қора кунлар ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди. Эркин ва фаровон кунларга эришишимизга ўз ҳиссасини қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳаққоний маълумотларни ўрганиш – эзгу ва хайрли ишдир.”⁴

Чиндан ҳам буюк истиқлолимиз туфайли юртимизда тарихимизга, жумладан 130 йилдан зиёд давом этган мустамлакачилик йилларидаги тарихимизни ҳолисона ўрганиш учун қулай шароитлар яратилди, советлар даврида таъқиқланган манбалар, турли архивларда сақланаётган муҳим ҳужжатлардан фойдаланиш ва шу асосда халқимизнинг ҳаққоний, чин тарихини яратиш имконияти туғилди.

Президентимиз ўзининг “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш”¹ номли рисоласида тарихий тафаккур, ёшларда онги, тарбияси ҳақида алоҳида тўхталиб: “Ҳозирги даврда жаҳон микёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари XX асрнинг охири XIX аср бошларида бутун инсоният, ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар тараққиёти учун, айниқса, ҳаётга кириб келаётган ёш авлод учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратиб берганини ҳақ ким инкор этолмайди.

¹ Каримов Ислом. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, Тошкент, “Маънавият”, 2008, 97-бет.

² Ўша асар, 97-бет.

³ Ўша асар, 9-бет.

⁴ “Халқ сўзи”, 2008 йил 1 сентябрь, №107 (27912).

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш”. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 5-9 бетлар.

3. Тарих фалсафаси тушунчаси ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг қўлга киритилишидан бошлаб кўп минг йиллик тарихимизни ва маънавий меросимизни ҳаққоний равишда ўрганиш, тарғиб этиш тарих фани олдидаги энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди ва бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Истиқлол йилларида тарихий жараёнларни тадқиқ этишда ҳаёт синовидан ўта олмаган, коммунистик мафкурага бўйсундирилган методология ўрнини тамоман янгича методология эгаллай бошлади. Тарих фанида улкан ўзгаришлар юз бериб, неча йиллар давомида бузиб талқин қилинган ёки яшириб келинган тарихий воқеаларни илмийлик, холислик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида тадқиқ этиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Тарих инсон орқали вужудга келади ва инсон орқали абадиётга айланади. Инсон онги ва тафаккури, қалби ва туйғулари орқали юзага келган ҳодиса сифатида қадриятга айланади. Ана шу жиҳатдан қараганда инсон ақл-идроки, унинг тафаккур даражаси, ҳаётий фалсафаси, жамиятни тараққий эттириш йўлидаги саъй ҳаракатлари, бутун бир халқ, бутун бир жамият менталитетини белгилайди. Ана шу менталитет – миллат ёки халқнинг умумий маданий-маънавий даражаси, ақл-идроки ва тафаккур майдони нечоғлигига қараб тараққиётнинг ёхуд таназзулнинг мазмун-моҳияти очилади. Тарих эса ана шу ўта мураккаб, ўта зиддиятли, айти пайтда ниҳоятда қудратли руҳият орқали, фаолият орқали хотирага айланади.

Инсоният тарихи ҳеч қачон бир текис ўтган эмас. У турли даврларда, турли ҳолатларда юзага келган узлуксиз жараён. Кўхна тарих қатларида юксак маданийлашган даврлар ва тараққиётнинг олий чўққиларига чиққан замонлар билан бирга турли – туман фожеалар, туб бурилишлар ҳам кўзга ташланади. Умумжаҳон тарихи, бир сўз билан айтганда, бир – бирининг инкор этиб, бир-бирининг зиддини исботлаб, бир-биридан устунлик учун курашиб келган ғоялар ва мақсадлар мажмуасидир.¹

Айти пайтда тарих, маълум бир мамлакат, минтақа ёки макон нуктаи назаридан қараладиган бўлса, асрлар мобайнида шаклланган, аниқроғи, доимий шаклланиб борадиган психологиялар, маънавий - ахлоқий мезонлар, ҳаётга муносабатлар, ўзаро бир – бирини тушуниш ёки аксинча, тушунмаслик оқибати сифатида дунёга келади.

¹ Нарзулла Жўраев. Тарих фалсафаси. – Т.: Маънавият, 1999. –Б. 3.

Тарих бутун кўлами ва яхлитлиги билан инсон тафаккурининг меваси. Эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик туйғуларини вужудида жамлаб, улар ўртасидаги беаёв, юзаки қаралганда кўз илғамас, идрокка сизмас зиддиятлар, жуда мураккаб, англаб етиш қийин бўлган ҳиссиётлар маҳсулидир. Худди ана шу нуқтаи назардан тарих ҳақиқати ҳаёт ҳақиқатининг маҳсули, ҳаёт ҳақиқати эса инсон маънавий-руҳий кечинмаларининг маҳсули, дейиш мумкин. Зотан, тарих инсон ва инсоният ҳаётининг мажмуаси, унинг ифодаси ва мазмун – моҳиятидир.

Тарихни фалсафий шарҳлаш ва баҳолаш бу – тарих фалсафасидир. Ушбу атама антик давр фалсафаси ва тарихшунослигида намоён бўлсада, уни фанга М.Ф.Вольтер киритган деб ҳисобланади.

Турих фалсафасининг илдизлари антик давр алломалари Геродот ва Фукидиднинг тарихий ҳаракатга доир қарашларига бориб тақалади. У Полибий, Посидоний, Плутарх қарашларида нисбатан шаклланади. Августин эса илоҳий давлат тарихи фалсафасини яратди ва кейинги минг йилликларда тарихий тафаккурнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатди.

Халқимиз тақдирида бошланган мустақиллик, истиклол ғоялари орқали шаклланаётган соғлом, ҳар томонлама ҳаётий ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган ғоялар даври сифатида тараққиё этаётган янги тарихий даврда миллий фалсафа шаклида пайдо бўлаётган муносабатларимиз бутун ўтмишимизни янгича назар билан баҳолаш, уни қайтадан кўриб чиқиш, шу асосида тарих хотираси ва тарихий тафаккурни шакллантиришни кучли бир ички эҳтиёж даражасига кўтармоқда.

Тарихий тафаккур ва тарих фалсафаси орқали бугунги ҳаёт мазмуни чуқурроқ тушунилади ва келажак фалсафаси юзага келади. Бу ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккур тарзини шакллантириш орқали шахс сифатидаги феноменини вужудга келтиришга, феъл-атворнинг шаклланишига хизмат қиладди.

Биз ўтмишни тиклаш, тарх ҳақиқатини ўз ўрнига қўйиш орқали тафаккуримизни бойитамиз, тушунчаларимизни кенгайтирамыз, ҳаёт фалсафаси орқали ислохотлар фалсафасини, ислохотлар моҳиятини чуқурроқ англай бошлаймиз. Натижада ўз-ўзимизни ислох қиламыз, ўз-ўзимизни янгилаймиз, ҳаётни янгилаймиз. Унинг мазмунини бойитамиз. Зотан, миллий истиклол мафкурасининг, давлатимиз олиб бораётган кенг миқёсли ислохотларнинг олий кадрияти ана шунда.

Биз Ватанимиз тарихи ва халқимиз ўтмишини ўрганиш орқали бугунги кун учун мустақиллик туйғусини шакллантирамыз. “Ўтмиш уни англагангагина хизмат қилишини, келжак эса унинг ҳақиқий бунёдкоригагина тегишли эканлигини англамоғимиз керак. Худди ана шу ҳақиқатни англаш учун тарихий тафаккур, тарихий хотира зарур бўлади. Тарихнинг ҳақиқий фалсафаси, унинг ақл-заковатимиз ва онгу шууримизга таъсири худди ана шу ғоя билан белгиланади.”

ХУЛОСА

Президентимиз Ислам Каримов “ҳар қандай цивилизация кўпдан кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб – кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданиятиабдий яшайди” – деганида тарихан шу заминда яшаган халқ тарихи бугунги авлод бойлиги, унга аждодларидан қолган мерос эканлигини таъкидлайди. Тарихий тақдирга тақдирдошлик ҳиссини уйғотади.

Тарих ҳақиқатини англаш учун ва, айниқса, ўтмишни сохталаштирилган, бой маънавий ва маданий меросидан ажратиб ташланган, зўравонлик ва ҳукмрон ғояларга маҳкум этилган, унга хизмат қилдирилган тарих ҳақиқатини қайтадан тиклаш учун ана шундай маънавий – руҳий яқинликни ҳис этиш, ўша жараёнларни бевосита қалб орқали ўтказиш зарур.

Республика раҳбари И.А.Каримовнинг 1996 йил 18 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида “Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисида”ги қарори муҳим дастуруламал аҳамиятга эга бўлди.¹ 2000 йилда уч жилдлик “Ўзбекистоннинг янги тарихи” яратилди.

Қўлга киритилган миллий истиқлол ўтмишни тўғри таҳлил қилиш, шу асосида, миллий истиқлол мафкураси руҳида шакллантириш, жамиятни янада демократлаштириш ва тарихимизнинг ҳасратли саҳифаларини янгитдан яратиш имкониятини берди.

Бугунги кунда маънавий, илмий соҳадаги туб ўзгаришлар йўлга қўйилган ислохотларимиз бош мезонига айбланиб, тараққиёт йўналишимизни белгилаб берди.

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли китобида тарих ва маънавият тушунчаларини атрофлича ёритар экан, жумладан: “дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, буйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади.”¹

Юртбошимиз фикрини давом эттирар экан, маънавий таҳдид деганда, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қаратилган хуружларни назарда тутиш лозим, деб таъкидлайди.

Тарихга муносабатда, уни ўрганаётганда бутун тарихий жараён менинг ҳаётим, бутун кишилик ўтмиши менинг ўтмишим, деган фикр билан яшаш лозим. Тарихий тақдир, бутун кишилик ўтмиши менинг тақдиримга, менинг ҳаётимга, менинг ўтмишимга, кечинмаларим ва орзу-умидларимга айланиши керак. Ўша боқий жараённинг, буюк ва сарҳадсиз шажаранинг давомчиси сифатида бутун тарих менинг қонимда, жонимда, руҳимда ва хужайраларимда яшаётганини англашим, ҳис қилишим лозим. Ана шундагина, мен 3000 минг йил олдин шаган одамлар ҳаётини ўрганиб туриб, бу менга бегона давр, бу оддий тарих холос, деган хулосалардан ҳоли бўламиз. Ўша давр, ўша тарихнинг муқаддас ва мўътабар эканлигига амин бўламиз. Зотан, Мозий фалсафасининг мағзи ҳам ана шунда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7- жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». «Халқ сўзи», 2005 йил, 19 январь.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
10. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001.

¹ //“Халқ сўзи”, 1996 йил 19 сентябр, 1996 йил 17 декабрь.

¹ Ислон Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 13-бет.

- 11.** Шамсутдинов Р.Т. Истиклол йўлида шаҳид кетганлар. –Т.: Шарқ, 2001. **11.** Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). - Т.: Шарқ, 2003.
- 12.** Шамсутдинов Р.Т., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2005.
- 13.** Шамсутдинов Р.Т., Акбарова М.Л. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати. –Т.: Шарқ, 2009.